



# ТАДБИРКОРЛИК ИСТИҚБОЛИ

юрт тараққиёти, жамият фаровонлигини белгилайди



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Кейинги беш йилда соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингга яқин қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди, 114 та лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, 33 та фаолият тури хабардор қилиш тартибига ўтказилди. Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, муддатлари ўртача икки бараварга қисқартирилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича кўплаб чекловларга барҳам берилди.

Бундай қулайлик ва имкониятлар натижасида янги тадбиркорлик субъектлари кўпайиб, аввалдан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтирмоқда. Кейинги беш йилда тадбиркорлар сони қарийб уч баравар ошди. Кўп ишбилармонлар ўз бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб иш ўринлари яратиб, нуфузли корхоналарга айланди. Ички ва ташқи бозорда ўз брендига эга тадбиркорлар синфи шаклланди.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш мақсадида илк бор ташкил этилган очик мулоқотда республикамиздаги тадбиркорларимиз томонидан 15 мингдан ортиқ, вилоятимиз тадбиркорларидан 1200 дан ортиқ муносабат тушди. Демакки, Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқоти тўғрисида соҳа фаолиятидаги шунча муаммага ечим топилди.

Президентимиз мамлакатимиз тарихида илк бор ўтказилган тадбиркорлар учрашувида соҳани янада ривожлантириш учун тўсиқ бўлаётган бизнесни молиялаштириш, бизнесда солиқ юкни камайтириш, ер ажратиш, инфратузилма, экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш, транспорт-логистика соҳасидаги тартиб-таомилларни соддалаштириш масалаларига эътибор қаратди. Зарур ҳужжатлар қабул қилинди.

Тадбиркорлик юртимизда энг устувор соҳа ва бўйналгандаги муаммоларнинг ечимини кенгайтириб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга катта эътибор қаратади. Шу боис жорий йил 22 августда Президентимиз тадбиркорлар билан навбатдаги очик мулоқот ўтказиб, юртимиз ишбилармонларининг муаммо ва тақлифларини шахсан ўрганиб, хулосалар асосида соҳани янада ривожлантириш истиқболлари белгиланади.

**Юртимизда тадбиркорларга кўмаклашувчи Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсман каби тузилмалар мавжуд бўлса-да, Тадбиркорлар маслаҳат жамоатчиликлари кенгайтирилишига нима сабаб бўлди?**

Вилоят ҳокими ҳузуридаги Тадбиркорлар жамоатчиликлари маслаҳат кенгаши фаолияти асосан вилоятда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган. Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тизимли муаммоларни ечиш имкониятларини кўриш ҳамда стратегик инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқишга қаратиши белгиланган ва шу йўналишда фаолият юритиб келмоқда.

**Бугун давлат хизматлари кўрсатиш маркази ҳақида эшитмаган, билмаган одам қолмади, ҳисоб. Чунки айни пайтда давлат идоралари билан боғлиқ кўпгина масалаларимиз айни шу идоралар орқали ҳал бўляпти.**

Адлия вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Севара Уринбоева иштирокида Самарқанд шаҳридаги марказда ўтказилган пресс-турда бу ерда яратилган шароитлар, кўрсатилётган хизмат хусусида батафсил маълумот берилди.

Маълум бўлишича, айни пайтда марказда кўрсатилётган давлат хизматлари сони 176 тага етган. Бунинг учун 20 нафардан ортиқ оператор соат 9:00 дан 18:00 гача танаффуссиз хизмат кўрсатмоқда. Хизматларнинг 10 таси кейинги 6 ой давомида йўлга қўйилган. ID-карта, хорижга чиқиш паспортини расмийлаштириш, ҳайдовчилик гувоҳномасини янги намунадагисига алмаштириш шулар жумласидан. Ҳозирги кунда экстерриториал тамойили, яъни фуқаролар доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар бу хизматдан фойдаланишлари мумкин.

Дарвоқе, марказда инвесторлар учун миллий услубда жиҳозланган махсус хона ва фарзандлари билан таширғи буюрганларга қулайлик яратиш учун болалар хонаси ташкил қилинган. Давлат хизматларидан онлайн фойдаланиш истиқболлари учун алоҳида компьютер ва махсус қурилма ўрнатилган. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни шу эрининг ўзида амал-

## ДХМ: - Хизматлар сони 200 тага етказилади



бо ошириш мумкин. Марказда нотариус хизмати ҳам ташкил қилинган таширғи буюрувчилар учун яна бир қулайлик дейиш мумкин.

Шу кунгача фақат 16 ёшга тўлган фуқароларга ID-карта берилар эди, - дейди вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мақсуд Қурбонов. - Айни пайтда вояга етмаган болаларга хорижга чиқиш биометрик паспорти расмийлаштирилмоқда. Маълумот ўрнида айтиш лозим, барча ҳудудларда Самарқанд

шаҳридаги миқдорда давлат хизматларини кўрсатишни йўлга қўйиш чоралари кўриляпти. Яқин кунларда у чекка туман бўладими ёки вилоят марказими, жисмоний ва юридик шахслар учун бирдек хизмат кўрсатилади.

**ХУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК ҚАНДАЙ ОШИРИЛАДИ?**

Пресс-тур якунида вилоят адлия бошқармаси бошлиғи С.Нуриев ва тизимдаги бошқа

барча имкониятлар яратилляпти. Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунинг эвазига аксарият тадбиркорлик субъектларида ўсиш бор, янги инвестицион лойиҳалар ишга туширилиб, улар бу ўсишга ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Ириқ лойиҳалардан "Ургут" эркин иқтисодий зонаси резиденти Самарқанд шаҳридаги "Azia Metall Prof" корхонасининг қуввати йилига 120 минг тонна рухланган ва полимерланган тунука ҳамда ўрмалли металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводлари, Жомбой туманидаги халқаро кўрғазмалар мажмуаси, Қўшработ тумани Чиммос маҳалласидаги "ZARAFSHON TEXTILE" МЧЖнинг 500 иш ўрнига эга 11-трикотаж фабрикасининг ишга туширилиши мисол бўла олади.

**- Белгиланган ишлар ва келгуси режалар ҳақида нима дея оласиз?**

2021 йил июнь ойидан буён кенгашнинг 7 марттаба учрашуви ўтди. Кенгаш ўзини тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган яна бир самарали майдонча сифатида кўрсатди. Кенгаш аъзоларининг билдирган тақлифлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда.

Кенгаш ташаббуси билан "Ишбилармонларнинг "YANGI SAMARQAND" ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмаклашувчи жамоат фонди" таъсис этилди. Бунда ташаббускорлар томонидан маблағлар туширилмоқда, фонд томонидан 3 та грант лойиҳа молиялаштирилди.

Режаларга келадиган бўлсак, кенгашда янада долзарб муаммоларни муҳокама қилиб бориш, тадбиркорлик муҳитини яхшилашга қаратилган тадбирларда фаол бўлиш, фонд томонидан самарали лойиҳаларни молиялаштириб бориш мақсад қилинган.

**- Кенгашга ириқ корхоналар аъзо бўлган. Бу нимани аниқлатади?**

Ириқ тадбиркорнинг аъзолиги муҳокамадаги масалаларга тажрибали кўз билан қарашга, кенгроқ фикрлашга имконият яратиб келмоқда. Кенгаш йиғилишлари ўзига яраша тажриба алмашиш майдончасига айланган. Ҳар бир йиғилиш бирор бир тадбиркорлик субъектида бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш ва бошқариш тажрибаларини, тадбиркорлик маданиятини ўрганишда.

Масалан, "NURLI KELAJAK ISHONCH SERVIS" қурилиш корхонаси мезбонлик қилган кенгаш йиғилишида тураржой массивлари қурилишидаги замонавий енадушув – сув, сувқоқва, электр ва алоқа тармоқларини махсус қурилган туннеллар орқали ўтказиш ташаббуси киритилди. Бу билан коммуникацияларни зарур бўлганда таъмирлаш, кўча ва пидедалар йўлакларини қазиниш олдидан олинганлиги ҳамда массивда тадбиркор томонидан бошқарув компаниясини тuzиб, аҳолига кафолатли хизматлар ташкил этилганлиги кўпчилик учун ҳам янгилик, ҳам ибратли тажриба бўлди. "Sam Antep Gilam – SAG" гилам ишлаб чиқариш корхонаси кўп тармоқли фаолиятни самарали бошқариш, унда ахборот технологиялар имкониятларидан фойдаланиш тажрибаси билан ўртоқлашди. "AGROMIR GROUP" мева-сабзавотларни қайта қилиш корхонаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан самарали ҳамкорлик, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳсулот сифати назорати ва асортиментини кенгайтириш сиёсати билан кенгаш аъзоларини таништирди.

**- Президентимизнинг ўтган йилги тадбиркорлар билан учрашувидан сўнг қандай ўзгаришлар бўлди, қайси йўналиш ва соҳалардаги оғриқли муаммоларга ечим топилди?**

Тадбиркорликни ривожлантиришда ер ажратиш муҳим муаммолардан бири. "Ургут" эркин иқтисодий зонасининг вилоятимизнинг барча туманларидан филиалларининг очилиши, кичик саноат зоналарининг сони 64 тага кўпайтириб, 90 тага етказилиши тадбиркорликни ривожлантириш, узок туманларни саноатлаштиришда катта туртки бўлади.

Шу билан бирга, фойдаланилмай турган кўчмас мулк объектлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти учун ер майдонларини сотиб олишда аукцион орқали электрон савдо тизимининг жорий этилиши, давлат харидлари тизимида ҳам очик электрон савдо платформасининг ишга тушиши каби тизимли ижобий ўзгаришлар бўлди.

**Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ сўхбатлашди.**

## Илк "Обод маҳалла маскани" Булунғурда

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қашқадарё вилояти Касби тумани Қамаш маҳалласи мисолида республика-мизнинг ҳар бир туманида камид биттадан "Обод маҳалла маскани" ташкил этиш топшириғи берилган эди.

### MINGCHINOR OBOD MAHALLA MASKANI



Мазкур топширик асосида вилоятимизда 23 маҳаллада "Обод маҳалла маскани" ташкил этилмоқда.

Жумладан, Булунғур туманида "Мингчинор" маҳалла фуқаролар йиғини танланиб, маҳалла киёфасини намунали тарзда тартибга келтириш, аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилди. 27 та янги тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилди: пойабзал таъмирлаш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устанолари, 2 та сартарошхона, 2 та тикувчилик цехи, 1 та гўзаллик салони ва 6 та савдо дўкони ташкил этилди.

Жорий йилнинг январь-август ойлари давомида 116 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

турдаги хизмат кўрсатиш шохбачалари ташкил этилиши билан 45 нафар фуқаро бандлиги таъминланди.

Туманимиз киёфасини ўзгартириш ва маҳаллаларни обод қилиш борасидаги ишларимиз Мингчинор маҳалласи билан чекланиб қолгани йўқ, - дейди Булунғур тумани ҳокими С.Астанов. - Йил бошидан буён "Оғир ҳудуд" лойиҳаси доирасида Булунғурлик маҳалласи обод қилинган бўлса, "Обод қишлоқ" давлат дастури бўйича Богбон маҳалласи Ботбот қишлоғи ҳамда Чорбоғ маҳалласи Чорбоғ қишлоқларида ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

"Обод маҳалла маскани"нинг очилиш тадбирида туман "Маҳаллабай" ишлаш маркази томонидан "Темир дафтар"да рўйхатда турган 37 нафар фуқарога мотокультиватор,



"Темир дафтар"га киритилган 34 та оилага ва "Ёшлар дафтари"га киритилган 96 нафар ёшларга кўмак ва ёрдам кўрсатилиб, дафтардан чиқарилди.

"Обод маҳалла маскани"да 11

тикув машинаси, пиширик печи каби асбоб-ускуналар берилди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўроқов иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

ги бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилган. Шундан 7254 та буйруқ, фармойиш, шартнома ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан рад этилган.

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан юборилган 238 та 7 миллиард 108 миллион сўмлик шартномалар лойиҳаси амалдаги қонунчиликка зид равишда тузилганлиги сабабли салбий хулоса берилган.

#### ЭЪТИБОРГА МОЛИК РАҚАМЛАР

Пресс-тур ва матбуот анжумани давомида қайд этилган айрим рақамлар кишида фаҳр ва айни дамда қаноат ҳиссини уйғотиши шубҳасиз. Мисол учун, 2022 йил 6 ойда марказлар орқали жисмоний ва юридик шахсларга 636 минг 704 та давлат хизматлари кўрсатилган. Уларнинг 142 минг 254 таси ёки 22 фоиздан кўпроғи онлайн, яъни ЯИДХП (my.gov.uz) орқали тақдим этилган.

Марказлар томонидан жорий йил 6 ойда жами 44755 та тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилган. Тахлилларга кўра, 6 ойда 2021 йилнинг мос даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтказилган тадбиркорлик субъектлари 28 270 тага кўпайган. Биргина шу рақамларнинг ўзиёқ бизнесни рўйхатдан ўтказиш бўйича бежиз дунёнинг ТОП-10 талиғига кирмаганимизни кўрсатиб турибди. Марказ мутасаддиларининг айтишича, тадбиркорлик субъекти марказдан чиқиши билан ўз ишини бошлаши учун барча шароитлар яратилган. (Ҳатто муҳр ва тамгаларни ҳам шу ерда тайёрлаш мумкин).

**Ёқубжон МАРҚАЕВ.**



# Ислом бирдамлиги ўйинларида

спортчиларимиз 16 та медални қўлга киритди

Туркиянинг Конья шаҳрида "V Ислом бирдамлиги" спорт ўйинлари якунланди.

Унда Ислом бирдамлиги спорт федерациясига аъзо ҳисобланган 56 та мамлакат жамоалари 1597 та медаллар жамланмаси учун бахшланди.

Ўзбекистон делегацияси 265 нафар спортчи билан 24 та спорт туридан қатнашди.

Мазкур мусобақада спортчиларимиз 51 та олтин, 42 та кумуш, 65 та бронза, жами 158 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни банд этди.

Терма жамоамиз таркибида вилоятимиздан 19 нафар спортчи 10 та спорт туридан иштирок этиб, 16 та медал (4 та олтин, 7 та кумуш, 5 та бронза)ни қўлга киритди.

Жумладан, дзюдо бўйича эркалар ўртасида ўтказилган бахсда Сардор Нурилоев, аёллар ўртасидаги курашда Диебра Келдиёрова, енгил атлетика бўйича аёллар ўртасидаги бахсда 15 ёшли Шарифа Давронова ва бадиий гимнастика спорт туридан Тахмина Икромова олтин медалга сазовор бўлди.



Асад – экинингни ясат, дейишгани рост. Чунки саратон ва сунбула орасидаги асад ойида ғўза шонаси гулга, гул қўсака, қўсақ эса тўлишиб, пахтага айланади. Шу боис август деҳқон учун ҳал қилувчи палла саналади.



# АСАД – деҳқон учун масъулиятли палла

энди соат санайди. Ҳар бир новдадаги қўсақлар 4-5 тага кўпаяди. Бу ҳар гектардан қўшимча 10-12 центнер қўшимча ҳосил олиш имконини беради.

Шу жиҳатдан ишчи гуруҳ аъзолари ғўза майдонларида амалга ошириладиган агротехник тадбирларни бевосита жойига чиққан ҳолда ўрганмоқда. Урганишлар натижаларига кўра, "Янгиҳаёт техник матлари" масъулияти чекланган жамиятига қарашли 1-сон биологатория ғўза зараркундаларига қарши биологик воситалар замон талабларига жавоб бермаслиги, бунда мазкур биологаторияни

замонавий услубда қайтадан қуриш ҳамда инновацион технологиялар билан жиҳозлаш, лаборатория ходимларининг малакасини ошириш мақсадида ўқув курслари ташкил этиш лозимлиги аниқланди.

Бу камчиликларни инобатга олган ҳолда кластер корхонаси - "Мароқанд сифат" МЧЖ раҳбарияти билан йил якунига қадар биологаторияни замонавий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозлашга, шунингдек, МЧЖ қошида янги, замон талабларига жавоб берадиган биологатория ташкил этишга келишиб олинди.

Бахтигул ҒАНИЕВА.

## Кун саволи

# Кенгроқ фикрлашни қачон ўрганамиз?

Савол кимга берилиши керак, билмаймиз. Аммо бугун янги қуриладиган объектлар атрофида келиб-кетувчилар учун қулайликлар ҳисобга олинмаслигига кўнликдик. Автотурагоҳ бўлиши ҳақида ўйламай қўйдик.

Лекин шу кунларда қузатиладиган яна бир ҳолат кишини ташвишга солмай иложи йўқ. Негаки, кунда бўлмаса-да, ҳар ҳафта битта янги маҳалла биноси фойдаланишга топшириляпти. Бирок бу ерга ташриф буюрувчи, боринги, шу бинода меҳнат қиладиганлар эҳтиёжи нега ҳисобга олинмайди.

Ҳайрон қоласан киши, янги бино қурилса-ю, ҳеч йўқса, бир кишилик бадрабхона (ҳожатхона) зарур эканлиги ҳисобга олинмас! Лойиҳачилар майли, бунга ақли етмас, лекин уни қабул қилиб олаётганлар-чи, нега бу ҳақда ўйлаб кўришмайди?

Айтишга, ёзишга ноқулай мавзу бўлса-да, ўйлаб кўришга зарурат бор, бизнингча.

# Дилкаш инсон, моҳир раҳбар эди

Умрни бир лаҳзалик, дейишади. Сулаймон алайҳиссаломнинг узугида "Барчаси ўткинчи" сўзи ўйиб ёзилган экан. Ҳаётда ҳамма нарсаси ўткинчи, одамлар бири-бирининг кўнглини олиб яшаши, яқинларига меҳр кўрсатиши инсон умри мазмунини белгилайди.

Нуроний деганда хонадон кўрки, тўй-томшаларнинг боши, давраларга фойз киритиб турадиган кекса инсон кўз олдимизда гавдаланади. Қайси хонадонда кексалар бор экан, у ердаги муҳит, фойз-баракат, ўзаро муносабатлар, оилавий аъёналар, каттаю кичикнинг муомаласи илиқ, самимий бўлади. Авлодлар ўртасида яқинлик, меҳр-оқибат, қариндошлик ришталарини боғлаб турадиган бўғин отадири.

Ёшинг улғайиб, атрофга разм солиб, таҳлил-мушоҳадан сокин, вазмин бўлган сари яқин кадрдонинг, ҳамдардинингнинг ёнингда йўқлигидан ўқинасан. Унинг ўғитлари, яхши хислатларини тез-тез эслайсан. Начора, дунёга келиш ва кетиш бор.

Раҳматли Тойир акани эслаганимда у кишининг бир қараганда дағал туяладиган содда, аммо самимий, юракдан чиққан сўзлари, инсоний фазилатлари ёдимга тушиб, ўйчан сиймоли, мазмунли ва қийин ҳаёт йўлини босиб ўтган, умрини яхшиликка бағишлаган инсон кўз олдимга келади.

Бойчечак муз қатламини ёриб чиққандай онадан ёш етим қолган Тойир ака дунё ташвишларини енгиб ўтди, ёруғ кунларга етди, саодатга эришди. Ҳисобдонликда тенги йўқ эди. Худо берган бир хислати бор эдики, ўзини ҳеч қачон юқори тутмасди, одам ақлини қўйиб, бағрини барчага бирдек очарди, меҳрини ҳеч кимдан қизганмасди. Шунинг учун бўлса керак, Тойир аканинг даврасида олим, деҳқон, раҳбару чўпонни кўриш мумкин эди.

Тойир Мирзаевнинг касби агроном бўлиб, меҳнат фаолиятини хўжалиқда табелчиликдан бошлади. Ҳаётнинг кўп чигиринларидан ўтиб, паст-баландини кўриб, тажриба орттирди. Узоқ йиллар

Жомбой туманининг қатор хўжалиқларида раҳбар бўлди. Қишлоқ хўжалиги соҳасини чуқур биладиган мутахассис сифатида туманининг иқтисодий равнақига муносиб ҳисса қўшди. Иш деса, тиммасди, ёнидаги одамларга ҳам тинчлик бермасди. У кишининг ташкилотчилик қобилияти, камтарлик фазилати, мутахассисларни фаолиятга йўналтириш хислати кўпчилик раҳбарлар учун ибрат эди.

Ишониб топширилган вазифа масъулияти билан одамлар даридини ўз дардидан устун қўядиган бағрикенг инсон қаерда, қандай вазифада ишлаганин, ҳар бир кишини сўраб-суриштириш, оилавий аҳволдан хабардор бўлиш унинг эзгу хислатларидан бири эди. Масала ёки муаммога босиқлик ва ўта масъулият билан ёндашарди. Ўзини одамлардан узоқ тутмас, аксинча, уларга ёрдам беришга ҳаракат қилар, кўнглини очиб гапирарди.

Тойир ака имон-этиқодда маҳкам, қишлоғининг ғамхўр оқсоқоли сифатида савобли, фойзли ишларга бош бўлди. Муаммо билан эшикдан кириб келган кишига албатта, ёрдам берди. Давраларда барчани лол қолдириб, табиат ҳодисалари, ишораси, ҳайвонот дунёси сир-асрорларига қараб йил қандай келишини олдиндан айттарди.

Оилада меҳрибон ота, ғамхўр бобо ҳам эди. Турмуш машаққатларини бирга тортишда доимо ҳамфир, қуночак турмуш ўртоғи Маҳкамтош онанинг ҳиссаси беқиёс. Биргаликда фарзандларини воғга етказди, тарбиялади. Бугун уларнинг ҳаммаси ота-она дуосини олиб, эл қорига ярайдиган инсонлар бўлиб етишган. Одий ва камтарин инсон Тойир акадан яхши ном ва яхши номаи аъмоллар қолди.

Муҳими, Тойир ака завқ-шавқ



билан яшади. Чеҳрасида доимо ҳаётдан мамнунлик, руҳан тетиклик уфуриб турарди. Шу феълига монанд мумтоз ашулаларни яхши кўрар, кези келса, ўзи ҳам миллий кўшиқларимизни маромига етказиб ижро этарди.

Отни яхши кўрар, от зотлари, айниқса, саман отларнинг афзалликлари, қанча умр кўриши, нима ейиши, ичиши, отда сайр қилиш, от гўштининг афзалликлари тўғрисида чуқур билим ва тажрибага эга эди. Ҳатто араби, ахалтака, қорабайир зотли отларнинг ватани юртимиз эканлиги, Ўрта Осиёга араблар кириб келганидан бундай зотли отларга ҳавас қилиб олиб кетишгани, бошқа зотли отлар билан частиштириб, жаҳонга машхур "араби" отларни кўпайтиришгани ҳақида сўзлаб беради.

Тойир акадай бағрикенг инсон билан ҳамсухбат бўлган дамларни мамнуният билан эслайман. "Инсон ғанимат, уни тирикчилик қадрланган, суҳбатини олигин, эъзозланган", дерди мудом.

Захматқаш инсон Тойир ака бугун орамизда йўқ. Аммо бир нарсаси бизга таскин беради: эл-юрт хизматида, порлоқ истиқболни кўзлаб, чинакам меҳнат қилган ва шу заҳматли меҳнатидан завқлана олган фидойи инсонларни авлодлар унутмайди.

Дарвоқе, фарзандлари ота уйини уй-музейи қилишибди. Демак, энди бошқалар ҳам бу фазилатли хонадон самимияти ва фидойи инсон маърифатидан баҳраманд бўлишади.

А.ИСОҚОВ.

# Отамдек бўлишни истаймиз

Ота – оила устун, деб бежиз айтилмаган. Отам ҳаётдан кўз юмганида биз анча ёш эдик. Бизга меҳрибон бўлган учун отам билан кечган бахтли дамлари кўмсайверамиз. Отам Нурмухамед Нигматов Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ички ишлар органи ходими эди.



Отам 1916 йилда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келган. Мактабни битирган, 1931 йилда автотурагоҳ техникумига ўқишга кириб, уни тамомлагач, ўз касби бўйича Бухоро шаҳрига ишга юборилган.

У 1937 йилда Беларусда ҳарбий хизматни ўтаган, она шаҳрига қайтиб, автомеханик бўлиб ишга кирган. Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, падали бузрукворим 314-ўқчи дивизиясининг 598-алоҳида муҳандислик батальонига юборилган ва фронтда душманга қарши астойдил курашган.

1947 йилда Самарқандга қайтиб, ички ишлар тизимида фаолият юритди. Умрини Ватан учун сидқидилдан меҳнат қилишга бағишлади.

Отам оилапарвар инсон бўлиб, болаларни жуда яхши кўрарди. Онам Зурафо ая билан 5 ўғил, 5 қизни тарбиялади. Маҳаллада ночор оилаларга ёрдам қилини чўзарди. Меҳмондўст, одамшаванда, қўли очик инсон эди. Отам қилган яхшиликларни маҳалладагилар ҳамон гапириб туришади. Афсуски, отам 1972 йил 22 август кунини автохалокатга учраб, оламдан ўтди. Уша пайтда биз, ўн нафар фарзанднинг энг кичигимиз 3 ёшда эдик. Онамга фарзандларни оёққа турғазини осон бўлмади. Онам ва катта опам беш ўғил ва тўрт қизни уйли-жойли қилди.

Мана, отам вафот этганига ҳам эллик йил бўлди. Ҳамон биз, фарзандлар отамиз билан кечган ёрқин ва унутилмас хотираларни эслаймиз, хаҳига дуо қиламиз. Гафурбек, Анварбек ва Амирбеклар отамиз изидан бориб, ички ишлар органларида меҳнат қилиб, айни пайтда нафақа гаштини сурмоқда. Улуғбек ҳарбийликни касб қилган бўлса, Олимбек халқ хизматида меҳнат қилмоқда. Бугун отамнинг қирқдан ортик набиралари, эвара ва чеваралари бор. Унинг порлоқ хотираси яқинлари, дўстлари ва фарзандлари қалбда яшамоқда.

Дилором НИГМАТОВА ва фарзандлари.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tekzor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

## ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги "AS GRANULA 777" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 309008535) ўз устав фондини 3 000 000 000 (уч миллиард) сўмдан 1 000 000 (бир миллион) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти Зангиота тумани, Ташрзаведка кўчаси.

Нуробод туманидаги "NUROBOD TA'SIS SAVDO" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 205779334) иштирокчиларининг 2022 йил 17 августдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши 3-сонли қарорига асосан ўз устав фондини 4 100 000 (тўрт миллион бир юз минг) сўм этиб белгилади.

Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Нуробод тумани Ёшлар кўчаси, 1-уй.

Урган туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳошимов Ғолиб Бахтиёрович нотариал идорасида марҳум Худоров Соибназар Қаҳоровичга (2021 йил 16 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг

Ҳошимов Ғолиб Бахтиёрович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Урган шаҳарчаси Боғи Усмон мавзеси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасида марҳум Арипов Раҳмон Раджабовичга (2021 йил 26 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазраткулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Ахмедов Нурилло Хайриевичга (2022 йил 29 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазраткулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасида марҳум Раҳматов

Амин Асадовичга (2021 йил 17 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Урташиқ маҳалласи.

Пайарик туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасида марҳум Зиётов Ўткир Абдусаламовичга (2021 йил 22 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайарик тумани Челек шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қадирова Мавлуда Туррабаевна нотариал идорасида марҳум Файзиев Абдуҳафиз Хамидовичга (2017 йил 5 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қадирова Мавлуда Туррабаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Фирдавсий кўчаси, 96-уй.

\*\*\*

Исомидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.

Иштихон ахборот технологиялари ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидан 2019 йилда Ирданов Темур Муҳамбар ўғли номига берилган рўйхат рақами 30, К № 5561412 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд саноат ва қурилиш касб-хунар коллежидан 2019 йилда Каюмова Шахзода Дамшодовна номига берилган рўйхат рақами 1631, К № 5557171 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд саноат ва қурилиш касб-хунар коллежидан 2019 йилда Бахронов Баҳодир Бахтиёрович номига берилган рўйхат рақами 1624, К № 5557164 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд молия-иқтисодиёт коллежидан 2013 йилда Сафаров Муроджон Самандар ўғли номига берилган рўйхат рақами 4446, К № 2940326 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# СИЗ-ЧИ, ЎЗГАРИШЛАРНИ СЕЗЯПСИЗМИ?

Инсон қадри улуғланган юрт. Бу мамлакатимиз – Ўзбекистонга берилётган таъриф. Дарҳақиқат, кейинги йилларда ҳудудларда амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон қадри ётибди. Узоқ йиллар қийинчиликлар гирдобидида ҳаёт кечирган халқимизнинг турмуши кундан-кунга яхшиланиб бормоқда.



## ФАРОВОН КУНЛАР...

Эсингиздами? Бундан бир неча йил илгари одамларни қийнаган масалалардан бири нақд пул муаммоси эди. Олис ҳудудларда фақат моддий ёрдам ёки болалар пули билан кун кечирадиган оилалар пластик картасини кўтариб, марказдаги у дўкандан бу дўконга югуриб, сарсон бўлганлари ақлга сиғмайди. Қишлоқларда са-ноқлигина - бири расмий, яна бири норасмий бўлган кичик-кичик дўконларда эса терминал деган матоҳни топиш амримаҳол эди. Нақд пул зарур бўлган эҳтиёжманд киши пластик картасидаги пулнинг катта фоизини "тадбиркорлар" чўнтагида қолдиришга мажбур эди.

Бугун-чи? Бугун бу муаммога ечим топилди. Олис қишлоқларга ҳам замонавий ва сифатли банк хизматлари кўрсатадиган қурилмалар кириб борди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва пенсия ёшидаги фуқароларга моддий ёрдам ҳамда нафақа пуллари улар истагандек тарқатилляпти.

## ЧАРОҒОН ТУНЛАР...

Олис қишлоқларни қўя турайлик, туман марказларида ҳам электр энергияси муаммоси энг оғриқли нуқта эди.

- Қўшрабт туманининг тоғлар

орасида жойлашган Пангат қишлоғида туғилиб, ўсдим, - дейди Камола Мусурмонова. - Айни ўсмирлик даврим қийинчилик билан ўтди. Қишлоғимиз бир суткада бор-йўғи икки соатгина электр энергияси билан таъминланарди. Кундузлари ота-онамга уй юмушларида кўмакдош эдим. Кечалари эса шамчироқ ёруғида китоб ўқирдим. Интернет орқали маълумотлар олиш ҳаёлимизга келмасди. Мактабимизда компьютерлар бор, аммо улардан фойдаланишнинг имкони йўқ эди. Бугунги кунда қишлоқ ёшлари учун ҳам шаҳардагидан қолишмайдиغان шароит яратилган. Тунда хонадонлар, ҳатто кўчалар ҳам чароғон. Интернет тармоғи учун WiFi қурилмалари ўрнатилмаган таълим муассасаси деярли қолмади.

## ҲОКИМЛАРНИ ФАҚАТ ТЕЛЕВИЗОРДА КўРАДИК

Халқ дардини тинглайдиган бирор бир ташкилот раҳбари йўқ эди. Қалашиб ётган муаммоларни бировга айтилмасдик. "Катта"лар одамларни эшитишга вақт топмасди.

Бугун олис ҳудудларда, тоғлар орасида яшаётган оддий деҳқон ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқни билди. Ноҳақлик бўлса, курашишни ўрганди.

- Авваллари ҳоким буваларни фақат телевизорда кўрадик, - дейди Қўшрабтнинг олис қишлоғи Қувқаллада яшовчи отахонлардан бири. Энди эса раҳбарлар халқ орасига кириб келяпти. Биргина мисол, яқинда туманимиз ҳокими биз яшаётган қишлоққа келди. Дарди ичиди бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни тинглади. Арзимагандек тугулган, аммо маҳаллада ҳал этилмай келаятган муаммоларга ечим топилди. Шу куннинг ўзиде айрим хонадонларга газ баллон келтирилди. Шу пайтга қадар улар ўчоқда ўтин ёқиб, қора қозонда овқат пиширишган.

## ЎЙИМИЗГА ДЕПУТАТ КЕЛДИ

Наргиза опа бундан 20 йиллар аввал тизза бўғим касаллиги билан ётиб қолиб, шундан бери ногиронлар аравачасида юради. Бир неча марта тегишли идораларга, тиббиёт муассасаларига мурожаат қилган. Фойдаси бўлмагач, тақдирга тан бериб, яшашда давом этган.

- Турмуш ўртоғим - Илхом ака мард ва ҳокисор инсон, - дейди у. - Шу ки-

шининг мен сабаб кечирган азоб-укубатларини унуттириш учун ҳам тузалишим керак эди. 25 йил олдин яхши ниятлар билан турмуш қургандик, аммо менга оналик бахти nasib қилмади. Илхом ака умидини узмади. Мен қанчалик уринмай, у ажрашишни истамасди. Орадан 5-6 йил ўтиб, хасталикка чалиниб, юрولмай қолдим. У барибир мени ташлаб кетмади. Яқинда уйимизга маҳалла фаоллари билан бирга бир киши кириб келди. Депутат экан. Оёқларимни операция қилиш учун 40 миллион сўм ажратилганини айтди. Бу менга қанчалар хурсандчилик бағишлаганини сўз билан ифода қила олмайман. Энди бор умидим шу операциядан.

## ҚИШЛОҚ БОЛАСИ ХОРИЖНИНГ НУҒУЗЛИ ОЛИЙҒОҲИДА ЎҚИЯПТИ

Айрим чекка қишлоқларда яшайдиган ёшлар орасида вилоят, ҳатто туман марказини кўрмаганлар борлигига кўпчилик ишонмасди, аммо бу ҳам ҳақиқат эди. Бир кун қишлоққа кетаётиб, тасдиқда бир йигит билан танишиб қолдим. - Бир туман марказида яшайдиган узоқроқ қариндошимизнинг ўғли бундан ўн йиллар аввал акам иккимизга "асфальт кўрмаганлар", деб ҳазиллашгандай бўлгани ҳеч эсимдан чиқмайди, - дейди у. - Яхшиям шу гапни айтган экан. Қаттиқ таъсирланиб, янада кўпроқ ўқишга, изланишга ҳаракат қилдик. Тақдирни қаранг, бугун акам ўша қариндошларимиз яшаётган туманга ҳоким бўлди. Мен эса Жанубий Кореянинг нуғузли олий ўқув юрти талабасиман. Халқаро танловларда қатнашиш имконияти туғилиб, дунёнинг бир неча давлатларида бўлдим. \* \* \*

Ҳа, бугун юртимизда кенг имконият эшиклари очиб, бир сўз билан айтганда, инсон қадри улуғланяпти. Биздан фақат шу имкониятлардан унумли фойдаланиш ва дориламон кунларнинг қадрига етиш талаб қилинади.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

## Тест синовлари якунланди: 70 нафар абитуриент имтиҳондан четлатилди

8-17 август кунлари вилоятимизда олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имтиҳондан четлатилган абитуриентлар учун бешта очик майдонда тест синовлари бўлиб ўтди.

Давлат тест маркази вилоят бўлимининг маълум қилишича, бу йил тест синовларида 108981 нафар абитуриент қатнашиши режалаштирилган. Абитуриентларнинг 99312 нафари имтиҳонга келган бўлса, 9669 нафари турли сабабларга кўра иштирок этмаган.

Шунингдек, 31 нафар абитуриент ўринга ўрин киришга урингани, 39 нафари тақиланган воситалардан фойдалангани боис имтиҳондан четлатилган.

## Янги китоб


## "Самарқанднома"

Шоира Жумагул Сувонованинг кўна ва навқирон кентга бағишлаб ёзган тарихий биографик достони шундай номланди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллигига тухфа сифатида нашрдан чиққан китоб қарийб уч минг йиллик тарихга эга Самарқанд ва унинг бугунги кунларига бағишланган.

Самарқанд ўзининг ўтмиши, илму маърифати, олим уламолари, қадимий обидалари билан дунёга машҳур. Достони ўқиб, шоиранинг сизни ана шу сеҳрли оламга, сирли уммонга яқинлаштирганлигини ҳис қиласиз. Асар кишини Самарқандни севишга, аждодлардек бўлиб, ўз юрти, халқи учун яшашга ундайди.

Ўн саккиз бўлимдан иборат бўлган достон китобхонга воқеликнинг энг юксак, энг нозик қирра-



ларини бадиий ифода этиш услуби орқали тақдим этган. Масалан, "Янги Самарқанд" фасли тасвирларини ўқир экансиз, сатрларда ифода этилган мақсад кўнгилларни илмга, нафосатга, юртга муҳаббатини тараннум этаётганини ҳис қиласиз.

Муниса ШАМСИЕВА.



# ИРАК ҲО‘ЛИ БАНКИ

## САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

вилоятимиз аҳли ва меҳмонларини истиқлолимизнинг 31 йиллиги билан муборакбод этади.

**АМАЛГА ОШИРАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНГИЗДА ОМАД ЁР БЎЛСИН!**



Хизматлар лицензияланган.

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ



халқимизни Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиги билан қутлайди.





**МАТБУОТ УЙИ**

**Zarafshon**

САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

**MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi**

**Bosh muharrir: Farmon TOSHEV**

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 502 nusxada chop etildi. Buyurtma 537. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

**Navbatchi muharrir:**

**A.HAYDAROV.**

**Navbatchi:**

**Y.MARQAYEV.**

**Sahifalovchi:**

**B.ABDULLAYEV.**



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



9 1772010667009

Sotuvda narxi kelishilgan holda